

Миннатдор ёшлар изҳори

“Ёшлар куни” муносабати билан ўтказилган ҳукумат тадбирида мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ёшларга имконият ва шароитлар яратилиши, уларнинг учинчи Ренессанснинг чинакам бунёдкори экани борасидаги ўткир ҳамда самимий мулоҳазалари барчани руҳлантириб юборди.



Давлатимиз раҳбарининг худди шу даъватларига монанд ҳолда институтимиз раҳбарияти ёшлар борасида таҳсинга лойиқ ишларни амалга ошириб келаётгани сир эмас. Айни дамда ёшларнинг миннатдорлик изҳорлари ҳурматли ректоримиздан тортиб, факултет деканларигача билдирилгани икки авлод орасидаги олтин занжирнинг мустаҳкамлигини билдириши табий. Бу истиқболга ёрқин йўл демакдир.



“Талаба ёшларни қўллаб - қувватлаш ва уларга шароитлар яратиб бериш ишига мутасадди бўлган касб соҳибларига ҳурмат-еҳтиромимиз катта,” - дейди ташаббускорлардан бири Институт Ёшлар иттифоқи БТ етакчиси Давронбек Расулов. Ендиликда ёшлар олдида чуқур илм олиш, соҳавий билимларни чуқур ўрганиш, мамлакат тараққиётига муносаб ҳисса қўшиш вазифаси турганини ёшлар теран ҳис этгаётгани қувонарли ва қўллаб қувватланарлидир.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати